2009 ЙИЛ 22 ОКТЯБРЬ, ПАЙШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 206 (11.517)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК РАМЗИ 2200 2009 ТОШКЕНТ

**Пойтахтимиздаги муҳташам «Ўзэкспомарказ» мажмуасида халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси ўз ишини давом эттирмоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, анъанавий тарзда ўтказилаётган иккала тадбирнинг нуфузи йил сайин ошиб бормоқда.**




Саноатчилар кўриги

## КООПЕРАЦИЯ — ҲАМКОРЛИКНИНГ САМАРАЛИ УСУЛИ

Жорий йилдан эътиборан Президентимизнинг 2008 йил 28 ноябрдаги «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, унга халқаро мақоми берилдики, шунинг ўзиёқ мазкур тадбирнинг моҳияти нечоғлик катта аҳамиятга эгалигидан далолатдир. Жумладан, унда иштирок этувчилар сафи тобора кенгаймоқда. Ўтган йили ярмаркада юртимизда фаолият юритаётган 276 та корхона ва компания иштирок этган бўлса, жорий йилдаги биржада 360 тадан зиёд маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан биргаликда, Буюк Британия, Германия, Россия, Италия, Жанубий Корея, Хитой каби 40 дан зиёд чет эл давлатларининг 600 дан кўпроқ фирма ҳамда компаниялари вакиллари ташрифининг гувоҳи бўлдик. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш ўринлики, иштирокчилар сафи кичик бизнес вакиллари ҳисобига кенгаяётгани янада қувонарли ҳол.

Мажмуа павильонларини айланар эканмиз, барча стендларда мамлакатимиздаги ривожланиб бораётган автомобилсозлик, қишлоқ хўжалиги, электроника (эътиборли томони, мажмуа олдидаги катта майдонда ўзимизда ишлаб чиқарилаётган янги русумдаги автомобиллар, машина, техника, дастгоҳлар кенг намойишга қўйилган), фармацевтика, кимё, енгил ва озиқ-овқат саноати, қурилиш материаллари, транспорт, матбаа транспорт машинасозлиги соҳасидаги сифатли маҳсулот ва хизматлар кенг миқёсда тақдим этилаётганлигининг гувоҳи бўлдик ва бу ташриф буюрувчиларни ҳам бефарқ қолдирмаяпти.



— Давлатимиз томонидан биз, ишлаб чиқарувчиларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, — дейди «MAVERA MEBEL» қўшма корхонасининг тижорат директори Жўрабек Турдиев, — фаолиятимиз ривожида ёрқин акс этмоқда. Икки йил давомида нафақат корхона учун ҳамкорлик шартномалари тузиш, балки доимий буюртмачилар сафи кенгайишига ҳам эришдик. Ҳамкорлик эса четдан келтираётган хомашёни кескин қисқартиришга, шунингдек, янги лойиҳалар асосида ташқи бозорга ҳам йўл очилишига умид уйғотмоқда. Шу ўринда айтиш жоизки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган Инқирозга қарши чоралар дастурининг ўз вақтида қабул қилиниши — миллий иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни фаол давом эттириш, иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни изчил давом эттириш эса иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини таъминлашнинг муҳим омили бўлмоқда. Хусусан, биринчи кунданоқ маҳсулотларимизга кўплаб корхона ва ташкилотлар вакиллари, фуқаролар қизиқиш билдириб, буюртмалар беришди, шартномалар тузилди.

Сирасини айтганда, Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси ўз ишини уюшқоқлик билан, ишчан руҳда давом эттирмоқда. Тадбир доирасида шунингдек, тақдимотлар ҳамда тегишли ташкилотлар мутахассислари иштирокида семинарлар ўтказилмоқда.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

**СУРАТЛАРДА: ярмаркадан лавҳалар.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

**Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида 21 октябрь куни «Буюк Ипак йўли туризми» XV Халқаро Тошкент сайёҳлик ярмаркаси очилди.**

## ХАЛҚАРО САЙЁҲЛИК ЯРМАРКАСИ БОШЛАНДИ

"Ўзбектуризм" миллий компанияси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирнинг очилишида Ўзбекистон ҳамда хорижий давлатларнинг сайёҳлик фирма ва компаниялари, меҳмонхоналар вакиллари, соҳа мутахассислари, олим ва экспертлар ҳамда юртимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Тадбирда "Ўзбектуризм" миллий компанияси раиси З.Ҳакимов Президент Ислом Каримов раҳнамолигида барча жабҳалар сингари сайёҳлик соҳаси ҳам изчил ривожланаётгани, Буюк Ипак йўлининг марказида жойлашган юртимиз ўзининг ноёб тарихий обидалари, бетакрор маданияти ва анъаналари ҳамда гўзал табиати билан сайёҳларни тобора кўпроқ жалб қилаётганини таъкидлади. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 17 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори муҳим омил бўлмоқда.

Дарҳақиқат, сайёҳлик барқарор ривожланишнинг муҳим омилларидан бири. У аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, қўшимча иш ўринлари ташкил этиш ва халқаро муносабатларнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади. Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан сайёҳлик инфратузилмасининг барча тармоқларини изчил ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бермоқда. Замонавий меҳмонхоналар ҳамда дам олиш масканлари сони тобора кўпайиб, уларда сервис хизмати тубдан яхшиланаётир. Янги сайёҳлик маршрутлари ишлаб чиқилаётгани, мавжуд транспорт коммуникациялари таъмирланиб, янгилари барпо этилаётгани соҳанинг янада тараққий топишига ҳамда ўлкамизга келаётган сайёҳлар сонининг йил сайин ортиб боришига хизмат қилмоқда.

"Буюк Ипак йўли туризми" XV Халқаро Тошкент сайёҳлик ярмаркасини ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад жаҳон жамоатчилигини мамлакатимизнинг сайёҳлик борасидаги улкан салоҳияти билан кенг таништириш ва хорижнинг сайёҳлик компаниялари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашдан иборат.

1995 йилдан буён мунтазам ўтказиб келинаётган мазкур ярмарка сайёҳлик соҳасида нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё миқёсидаги йирик халқаро анжумандир. Ушбу тадбир мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг самараси бўлиб, сайёҳлик соҳасини янада такомиллаштириш ва чет эллик шериклар билан бевосита алоқаларни кенгайтириш учун янги имкониятлар яратади.

Ярмаркада иштирок этаётган сайёҳлик фирма ва компаниялари сони йил сайин ошиб бормоқда. 2008 йилда анжуманда йигирма уч мамлакатдан юздан зиёд сайёҳлик ташкилоти қатнашган бўлса, бу йилги ярмаркада Россия, Греция, Латвия, Италия, Чехия, Кипр, Туркия, Миср, Бирлашган Араб Амирликлари, Саудия Арабистони, Уммон, Малайзия, Жанубий Корея, Вьетнам, Озарбойжон, Туркманистон, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон каби йигирма беш мамлакатдан икки юздан зиёд фирма ва компания вакиллари иштирок этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТМОҚДА

**Хабар берилганидек, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг матбуот марказида мамлакатимиз ва чет эл журналистлари учун навбатдаги матбуот анжумани ўтказилди.**

Марказий сайлов комиссиясининг Раиси М.Абдусаломов журналистларга сайлов округларини ташкил этиш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларини шакллантириш, сиёсий партияларнинг бўлажак сайловларда иштирок этишига ижозат бериш ишлари ҳақида ахборот берди.

Марказий сайлов комиссияси Раиси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасига биноан, парламент Қонунчилик палатасига сайлов бир юз ўттиз бешта ҳудудий сайлов округи бўйича ўтказилишини маълум қилди. Марказий сайлов комиссияси жойлардаги давлат ҳокимияти органлари таклифларини кўриб чиқиб, 9 октябрда бўлиб ўтган ўз мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловни ўтказиш учун сайлов округларини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Сайлов округларининг номланиши, тартиб рақами, чегараси ва сайловчилар сони кўрсатилган рўйхат матбуотда эълон қилинди.

(Давоми 2-бетда).

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **ТОШКЕНТ** шаҳар халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида педагоглар иштирокида ўтказилган тадбир «Тил — миллат кўзгуси» деб номланди.

✓ **ТОШКЕНТ** педиатрия тиббиёт институтида Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Юнусобод туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорликларида талабалар, ўқитувчилар, шифокорлар иштирокида «Соғлом она, соғлом бола» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

✓ **КЕЧА** Ҳамза туманидаги 161-мактабда туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида 8-12 ёшли болалар ўртасида уюштирилган спорт мусобақалари «Ким эпчилу, ким чаққон?» деб номланди.

✓ **БУГУН** Миробод туманидаги Ғафур Ғулом номли маданият уйида бадиий ҳаваскорлик жамоалари, тўгараклар, курслар раҳбарлари, қатнашчилари иштирокида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир «Санъатга ошно кўнгиллар» деб номланди.

## XXI аср садоси

*БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР*

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Кеча Тошкент шаҳридаги «Пойтахт» бизнес марказида «Consult Expo-2009» консалтинг хизматлари кўргазмаси очилди. У Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси кўмаги билан Халқаро бизнесни ривожлантириш агентлиги, ЕТТБ Бизнес маслаҳатлар дастури ҳамда Профессионал бизнес-консультантлар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.**

**• Янгиер шаҳридаги «Шодлик» маҳалласида янги гузар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу ерда оталар чойхонаси, маданий-маиший бинолардан ташқари, «Камолот» ёшлар клуби, мини-футбол майдончаси ва баскетбол майдони ҳам бор. Эътиборга лойиқ томони шундаки, ушбу гузар тадбиркорлар ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан бунёд этилди.**

**• Тошкентда «Art Week Style.uz-2009» санъат ҳафталиги якунланди.**

**• Бухоро вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинганининг 20 йиллигига бағишлаб «Тил — маънавият кўзгуси» номли анжуман ўтказилди.**

**• Чирчиқ шаҳрида қишлоқ аҳолиси учун якка тартибдаги уй-жойларнинг лойиҳалари ва қурилиш материалларининг ихтисослаштирилган кўргазмаси давом этмоқда.**

**• Хива тумани Ирдимзон қишлоғидаги «Хорбуз» маҳалласида янги мактаб биноси қуриб фойдаланишга топширилди. 180 ўринга мўлжалланган янги таълим маскани қатор ҳомий ташкилотлар ва тадбиркорлар томонидан замонавий жиҳозлар билан таъминланди.**

**• Самарқандда ёш эстрада ижрочиларининг «Юлдузлар ёғдуси» республика фестивали бўлиб ўтди.**

**• Тошкент фармацевтика институти олимлари тиббиёт мақсадлари учун тозаланган олтингугурт олиш усулини ишлаб чиқдилар ва ихтиролари учун патент олдилар. Уларнинг ихтиросига кўра маҳаллий хом ашёдан тозалиги 99,7 фоиз бўлган олтингугурт олиш имконияти юзага келди. Эндиликда нафақат ушбу қимматли хом ашёни четдан келтириш тўхтатилади, балки уни хорижга экспорт қилиш ҳам мумкин бўлади.**

### ЖАҲОНДА

**• Кеча Россия, Италия ва Туркия мамлакатлари Бош вазирлари «Жанубий оқим» лойиҳасининг ҳаётга татбиқ этилишини муҳокама қилдилар.**

**• Туркия ҳукумати мамлакат парламентига Арманистон билан алоқаларни барқарорлаштириш тўғрисидаги ҳужжатни кўриб чиқиш учун топширди.**

**• Бугун Грециянинг қадимий Олимпия шаҳарчасида Канаданинг Ванкувер шаҳрида ўтказиладиган қишки Олимпиада ўйинлари машъаласи учун олимпия олови ёқилди.**

**• Кеча жаҳоннинг етакчи хом ашё биржаларида ўтказилган навбатдаги савдолар чоғида нефтнинг нархи бирмунча ошганлиги кузатилди. Жумладан, Лондон биржасида бир баррел нефть нархи 79,69 долларни ташкил этган бўлса, Нью-Йорк биржасида бу кўрсаткич 81,37 долларга етди.**

**• Бугун Париждаги «Орли» аэропортининг ходимлари саккиз кунлик иш ташлашни тўхтатдилар. Аэропорт ходимларининг иш ташлашлари натижасида юздан ортиқ ҳаво рейслари бекор қилинди.**

**• Франциянинг Карнак аҳоли пунктида «ЭТА» айирмачилар гуруҳининг икки нафар юқори лавозимли аъзоси қўлга олинди. Бу Испания ва Франция ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан мазкур тўдага қарши олиб борилаётган кураш самарасидир. Таъкидлаш жоизки, «ЭТА» айирмачилар гуруҳига 1959 йилда асос солинган бўлиб, мазкур тўда Испания ва Франция ҳудудида алоҳида давлат тузиш учун курашиб келмоқда.**

**• Бугун Буюк Британия Қироллик почтасининг 10 мингдан ортиқ ходимлари икки кунлик иш ташлашни бошладилар.**

**• Хабаровск ўлкасида ўткир шамоллаш ва грипп хасталигининг оммавий тарқалиши натижасида мактабларнинг барча ўқувчилари навбатдан ташқари таътилга чиқарилди.**

# САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТМОҚДА

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Матбуот анжуманида Марказий сайлов комиссияси Раиси М.Абдусаломов журналистларга «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддасига мувофиқ, Марказий сайлов комиссиясининг 16 октябрда бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловни ўтказиш бўйича округ сайлов комиссияларини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилганини маълум қилди.

Таъкидландики, номи қайд этилган Қонуннинг 12-моддасига биноан, округ сайлов комиссияси комиссия раиси, раис ўринбосари, котиби ва камида олти нафар бошқа аъзолардан иборат таркибда Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади. Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларининг шахсий таркибини тасдиқлашда Қонуннинг 16-моддасига мувофиқ, комиссия таркибига жамоатчиликнинг обрўли вакиллари киритилишига алоҳида эътибор қаратди. Округ сайлов комиссиялари аъзоларининг рўйхати комиссиялар манзили ва телефон рақамлари кўрсатилган ҳолда матбуотда эълон қилинди.

Марказий сайлов комиссияси томонидан янги ташкил этилган сайлов комиссиялари аъзолари учун сайлов қонунчилиги асосларини ўрганиш бўйича қатор семинар ва тренинглар ташкил этилди.

Матбуот анжуманида, шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 21-моддасига мувофиқ, мамлакатимизда фаолият юритаётган тўртта сиёсий партиянинг ҳар бири Марказий сайлов комиссиясига депутатликка номзодлар кўрсатиш учун барча зарур ҳужжатларни — партия раҳбари томонидан имзоланган сайловда қатнашиш тўғрисидаги ариза, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида тўрт ой олдин рўйхатга олинганлигини тасдиқловчи маълумотномаси ва сайловчиларнинг сиёсий партиянинг сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи имзо варақаларини тақдим этгани маълум қилинди.

Марказий сайлов комиссияси томонидан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 23[1]-моддасига мувофиқ, сиёсий партиялар тақдим этган имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш учун ишчи гуруҳ тузилди. Имзо варақаларини кўриб чиқишда сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари иштирок этди — бу миллий сайлов қонунчилигига киритилган ва сайлов жараёнининг янада ошкоралиги ҳамда демократлигини таъминлайдиган янги институтдир.

Матбуот анжуманида Марказий сайлов комиссияси Раиси М.Абдусаломов партиялар томонидан тақдим этилган материалларни ўрганиш якунлари партияларни қўллаб-қувватлайдиган сайловчиларнинг имзоларини тўплаш сайлов қонунчилиги талабларига тўлиқ мувофиқ ҳолда амалга оширилганидан далолат беришини маълум қилди. Шу муносабат билан Марказий сайлов комиссияси 17-18 октябрь кунлари ўтказилган мажлисларида Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловида қатнашишига ижозат бериш тўғрисида қарор қабул қилди. Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг парламент Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этиши ҳақидаги қарори маълумот учун қабул қилинди.

Матбуот анжуманида Марказий сайлов комиссияси Раиси М.Абдусаломов мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакилларининг Ўзбекистонда сайловни ташкил этишга оид барча саволларига жавоб қайтарди.

**(ЎзА).**

# ХАЛҚАРО САЙЁҲЛИК ЯРМАРКАСИ БОШЛАНДИ

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

— Ушбу ярмаркада биз биринчи бор иштирок этаяпмиз, — дейди Уммоннинг сайёҳлик тадбирларини ташкил этиш бўйича директори Холид Ал-Зажалий. — Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг шу йил 4-5 октябрь кунлари Уммон Султонлигига давлат ташрифи асносида эришилган келишувлар мамлакатларимиз ўртасида сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда. Кўп асрлик тарих, бетакрор маданият ва анъаналарга эга Ўзбекистон жаҳон сайёҳлик бозорида катта обрў қозонган. Мамлакатларимиз ўртасида мазкур йўналишдаги ҳамкорликни янада тараққий эттиришдан манфаатдормиз.

Халқаро сайёҳлик фирмалари, миллий сайёҳлик компаниялари, меҳмонхона ва ресторанлар, музейлар ва бошқа ташкилотлар вакиллари иштирок этаётган ушбу тадбирда мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти ва таклиф этилаётган хизматлар, мафтункор табиат ва тарихий обидаларимиз акс этган экспонатлар, халқ ҳунармандлиги буюмлари, фотоэкспозициялар намойиш этилмоқда. Анжуманга ташриф буюрганлар экотуризм ва спорт туризми, авиатранспорт, меҳмонхона, суғурта ва банк хизматлари, миллий ва ҳудудий сайёҳлик ташкилотлари, сайёҳлик операторлари ва агентлари фаолиятига оид кўплаб маълумот ва адабиётлар билан танишишлари мумкин.

— Хорижлик сайёҳларнинг юртимиздаги қадимий шаҳарларни кўришга қизиқиши тобора ошмоқда, — дейди "Ўзбектуризм" миллий компаниясининг сайёҳлик бўйича Навоий вилояти бошқармаси директори Муаззам Қодирова. — Юртимизга келган ҳар бир сайёҳ жаннатмонанд диёримиз, бетакрор тарихий обидаларимиз ва маданий ёдгорликларимиз, урф-одатларимиз, анъана ва қадриятларимиздан, халқимизнинг меҳмондўстлигидан ҳайратланганини айтади. Ушбу ярмаркада кўплаб хорижий фирма ва компаниялар вакиллари билан фойдали мулоқотлар ўтказиб, ўзаро манфаатли шартномалар имзолаш ниятидамиз.

Икки кун давом этадиган ярмарка доирасида мамлакатимизга сайёҳларни янада кенгроқ жалб қилиш борасида чет эллик мутахассислар билан фикр алмашилади ва ҳамкорликда қатор лойиҳаларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилади. Хорижнинг сайёҳлик компаниялари билан ҳамкорликка оид битимлар имзоланади.

Анжуманнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов, Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев иштирок этди.

**Мадина УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири**

Долзарб мавзу

# ИНСОН ОЗОДЛИГИ, ЭРКИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

**Одам савдосига қарши курашиш нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, балки барча ташкилот ва муассасалар, кенг жамоатчилик, ҳар бир фуқаро олдидаги муҳим вазифалардан биридир.**

Инсоният тарихи урушлар, турли офатларнинг таҳликали таҳдидларини кечиб ўтиб тараққиётнинг глобаллашув даврида янада юксак чўққиларда турибди. Бир нарса аён, башарият ўз ўтмишида неки талафот кўрган ёки ривожланиш, тамаддун довонларидан ошган бўлса, бу барча воқеликларда инсоният турли қатламларининг хоҳиш-иродаси, мақсади, манфаати намоён бўлиб келган.

Дунё глобаллашувининг кенг қамровли имкониятлари, замонавий ахборот коммуникация технологияларининг беқиёс қулайликлари бугунги жаҳон тараққиётида ҳал қилувчи аҳамият касб этаётгани шубҳасиздир. Шу билан бирга бу имкониятлар турли ёвуз мақсадларни кўзлаган кимсаларнинг инсониятга қарши жиноий қилмишларининг кенг тус олиши, дунё бўйлаб тарқалишига ҳам восита бўлиб қолаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Айниқса, жаҳон ҳамжамиятини жиддий ташвишлантираётган трансмиллий жиноятлар глобал муаммо сифатида ҳамон дунё халқларининг тинч-осойишта ҳаёт кечиришига хавф солиб турибди.

Шу боис жаҳонда бу жиноятларга қарши ҳамкорликда курашиш кўлами тобора кенгаймоқда. Бинобарин, бу мудҳиш жиноятларнинг туб илдизи инсон ҳуқуқ ва эркинликларини топташ, унинг ҳаёти, шаъни, қадр-қимматига тажовуз қилиш ва умуман ер юзи халқларининг ўз ватанида озод яшашдек ҳуқуқини поймол этишга қаратилган.

Хусусан, трансмиллий жиноятлар сирасига кирувчи одам савдосининг турли кўринишларидан дунёдаги барча мамлакатлар қайсидир даражаларда жабр кўряпти. Бу эса ушбу глобал муаммони имкон қадар ҳал этиш, одам савдосига қарши курашишда халқаро миқёсда таъсир чораларини кучайтиришни тақозо этмоқда. Соддароқ айтганда, сайёрамизнинг қай нуқталарида пайдо бўлиб, эндиликда газак олган бу иллат инсониятнинг оғриқли муаммосига айланди. Шу сабабли, ҳар бир давлат бу хавфдан ҳимояланишнинг қатъий чораларини кўриши, шу йўналишдаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, конвенцияларга қўшилиши ҳам ҳаётий, ҳам ижтимоий-сиёсий зарурат даражасига кўтарилди.

Ер юзида кенг тус олиб улгурган бундай халқаро хавфга қарши ҳамкорликда курашиш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Шуни таъкидлаш жоизки, миллий қонунчилигимизнинг одам савдосига қарши курашиш ва унинг олдини олишга оид меъёрлари умумэътироф этилган халқаро ҳужжатларга мос келади. Бу аввало мустақил мамлакатимизнинг Бош қомусида **«демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади»** деб қатъий мустаҳкамланганлигида ёрқин акс этади. Конституциямизга мувофиқ: **«Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас».**

Истиқлол шарофати туфайли юртимиздаги ҳар бир инсон ўз қадр-қимматига муносиб тарзда озод ва эркин яшаш, меҳнат қилиш, ўз меҳнати натижаларидан манфаатдор бўлиш, барча ҳуқуқ ва эркинликларидан дахлсиз равишда фойдаланиш имкониятига эга бўлди.

Мамлакатимизда трансмиллий жиноятлар, жумладан, одам савдосига қарши курашиш ва унинг олдини олиш юзасидан кўрилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар, яратилган ҳуқуқий асосларда ҳам ана шу мустаҳкам тамойилларнинг амалий ифодалари мавжуд.

Шу ўринда 2008 йил 8 июлда Ўзбекистон Республикасининг «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини (Нью-Йорк, 2000 йил 15 ноябрь) тўлдирувчи одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги Протоколини ратификация қилиш тўғрисида» ги Қонуни қабул қилинганлигини алоҳида қайд этмоқчимиз.

Энг муҳими, бу йўналишда ҳаётга изчил татбиқ этилаётган қонуний ҳужжатлар, бир қатор дастур ва режаларга назар ташлаб, ҳукуматимиз мамлакатимизда истиқомат қилаётган бирор инсон бу мудҳиш жиноятнинг қурбонига айланиб қолмаслиги учун жуда қатъий ва жиддий чоралар кўраётганлиги, барча саъй-ҳаракатлар комплекс равишда амалга оширилаётганини англаймиз. Бинобарин, бу саъй-ҳаракатларга нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, балки барча турдаги ташкилот ва муассасалар, кенг жамоатчилик жалб этилган. Зеро, ҳар қандай жиноий иллатга қарши курашиш ҳар бир инсонда ўз тақдири ва ҳаётига бефарқ бўлмаслик, бу масалада доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиш ҳиссини кучайтиришдан бошланади, десак янглишмаймиз.

Мустақил мамлакатимиз фуқароларининг тинч-осойишта ҳаёти, уларнинг барча ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлигини таъминлаш энг муҳим устувор вазифаларимиздан саналади, албатта. Муҳтарам Президентимиз таъбири билан айтганда, бизнинг энг асосий бойлигимиз — халқимиз эканлигини назарда тутсак, бу устувор вазифамизнинг теран моҳияти, мазмуни янада ойдинлашади. Қолаверса, ҳар бир юртдошимизнинг бундай таҳликали таҳдидлардан холи яшаши жамиятимизнинг асосий бўғини бўлган оилаларда тинчлик-хотиржамлик, бағрибутунлик ҳукм суриши билан боғлиқлигини эътибордан қолдириб бўлмайди.

2008 йил 17 апрелда қабул қилинган **«Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»**ги Қонунга мувофиқ одам савдоси жинояти билан шуғулланувчи шахслар жавобгарлигининг муқаррарлиги, одам савдосидан жабрланганларнинг камситилишига йўл қўймаслик, ижтимоий ҳамкорлик одам савдосига қарши курашишнинг асосий принциплари сифатида белгиланиши бежиз эмас. Мазкур Қонунга биноан давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, корхоналар, муассасалар, мансабдор шахслар, шунингдек, фуқаролар ҳам одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органларига кўмаклашиши ҳамда зарур ёрдам кўрсатишлари лозим.

Юртимиз фуқароларини бу турдаги жиноятнинг мудҳиш оқибатларидан асраш, ҳимоялаш ушбу жиноий хатти-ҳаракатдан жабр кўрганларга амалий ёрдам кўрсатилишига доир чора-тадбирларнинг ҳуқуқий базаси яратилиши билан бир қаторда мажмуавий йўналишлар ҳам белгилаб олинган.

Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги **«Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Қарорига асосан тузилган Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссияси белгиланган Низом асосида бу борада кенг фаолият юритмоқда. Мазкур Республика идоралараро комиссиянинг 2009 йилнинг 2-ярмида амалга оширилиши кўзда тутилган тарғибот тадбирларига оид режаси айни пайтда ижрога йўналтирилган. Унга кўра тегишли вазирликлар ҳамда Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати, Хотин-қизлар қўмитаси, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази олдига қўйилган аниқ вазифалар ижроси изчил таъминланмоқда. Республика идоралараро комиссияси таркибида Адлия вазирлиги зиммасига ҳам шу йўналишда кенг кўламли тарғибот ишларини самарали тарзда амалга ошириш масъулияти юклатилган.

Булардан кўриниб турибдики, бу ўта долзарб, муҳим иш барча ташкилот ва муассасалар, айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳамда жамиятнинг маънавий ҳаётига бевосита масъул ташкилотлар олдига кечиктириб бўлмайдиган, кенг қамровли ишларни оғишмай бажаришдек катта вазифаларни қўймоқда.

Хусусан, адлия органлари ва муассасалари ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг **«Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Қарори ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш бўйича 2009 йилга мўлжалланган ҳуқуқий тарғибот тадбирлари режаси» асосида қилинаётган бир қатор амалий ишлар ҳақида сўзлаб, таҳлилий мулоҳазалар юритиш мумкин.

Кези келганда, дунё миқёсида олиб қараганда одам савдоси жиноятидан айниқса, аёллар ва болалар кўпроқ жабр кўраётганига эътибор қаратиш жоиз. Шу боис тарғибот ишларимизда аҳолининг барча қатламларини жалб этиш, хотин-қизлар ва ёшларнинг маънавияти, онг-тафаккурида тўғри қарашларни мустаҳкамлаш, болалар ва ўсмирларга жиноятчиларга алданиб қолмасликни содда, тушунарли ва ишончли тарзда тушунтиришга жиддий ёндашиляпти. Албатта, жойларда тарғиботнинг самарали ва таъсирчан услубларда ўтказилишини таъминлашдек зарур талаблардан келиб чиқиб иш олиб борилмоқда. Шу мақсадда тадбирлар жараёнида мавзуга оид видеотасмалар кўргазмали воситалардан кенг фойдаланилмоқда, одам савдоси, унинг салбий оқибатларини акс эттирувчи плакат ва буклетлар тайёрланиб жойларда тарқатиляпти.

Президентимизнинг **«Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Қарори билан тасдиқланган 2008-2010 йилларда одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича Миллий тадбирлар режасининг тегишли бўлимларига мувофиқ амалга оширилган бир қатор ишлар самарали бўлмоқда. Жумладан, мамлакатимиз фуқароларининг чет элга ишлаш, даволаниш, дам олиш ва бошқа мақсадларда чиқиши юзасидан маслаҳат ва ҳуқуқий ёрдам беришга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот тадбирлари мунтазам равишда ташкил этилмоқда.

Айни йўналишдаги ҳуқуқий тарғибот тадбирларини рақамларда ифодалайдиган бўлсак, 2009 йилнинг январь-июль ойлари давомида адлия органлари ва муассасалари томонидан одам савдосига қарши курашиш ва унинг оқибатларини кенг халқ оммаси орасида тушунтириш юзасидан жами **2285** маротаба тарғибот тадбирлари ўтказилган. Ушбу тадбирларда одам савдосининг трансмиллий жиноятларнинг бошқа турлари билан боғлиқ жиҳатлари ҳам назардан четда қолмаяпти. Шу ўринда тарғиботнинг энг таъсирчан воситаси бўлган марказий ва маҳаллий ОАВ имкониятларидан унумли фойдаланиш муҳим аҳамият касб этаётганлигини эътироф этиш жоиз. Миллионлаб томошабинларни жамлаган телевидение, радио, кўп сонли мухлисларга эга бўлган газета ва журналлардаги кўплаб чиқишлар аҳолини бефарқ қолдирмаяпти, деб ўйлаймиз. Бу аҳолининг мулоҳазалари ҳамда фуқаролар қилаётган мурожаатларда ҳам ўз ифодасини топаяпти. Оммавий ахборот воситаларидаги чиқишларда фуқароларни огоҳликка ундаб, турли мақсадларда ноқонуний йўллар билан хорижга чиқишнинг салбий оқибатлари мутахассисларимиз томонидан атрофлича, кўплаб ҳаётий мисоллар, жиддий таҳлиллар асосида тушунтириб берилмоқда.

Одам савдосидан жабрланган шахсларнинг ҳар бир мурожаатини алоҳида назоратга олиш, ушбу мурожаатларни кўриб чиқишда ички ишлар идоралари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш борасида ФҲДЁ, нотариат, адвокатура органларига тегишли вазифалар юклатилган.

Ҳудудий адлия идоралари томонидан ишлаш, даволаниш, дам олиш ва бошқа мақсадларда чет мамлакатларга кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ёзма ёки оғзаки ҳуқуқий тушунтириш ва ёрдам кўрсатишда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, Хотин-қизлар қўмитаси, «Ўзбектуризм» Миллий компаниясининг ҳудудий идоралари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорлик чора-тадбирлари режаси амалиётга йўналтирилган.

Тошкент Давлат юридик институти, Тошкент юридик коллежи, ТДЮИ қошидаги академик лицейда талабалар ва ўқувчилар учун мавзуга оид махсус ўқув машғулотлари жорий этилганлиги ўсмир-ёшларнинг ушбу жиноят ҳақида атрофлича маълумотга эга бўлишлари, унинг мазмуни, ҳуқуқий оқибатларини англаб етишларида катта ёрдам беряпти.

**«Одам савдосига қарши курашиш — давр талаби», «Инсон озодлиги — олий қадрият», «Одам савдоси — миллатга хиёнатдир», «Биз ёшлар одам савдосига қаршимиз»** каби кўплаб мавзуларда юртимизнинг шаҳар ва туманлари, маҳаллаларда, ўқув муассасаларида ташкил этилган семинар ҳамда давра суҳбатлари қизғин мулоқот, фойдали фикр алмашувлар, савол-жавоблар тарзида ўтаётганлиги, бундай тадбирларни янада кенгроқ ва кўпроқ амалга оширишга ундайди. Одамлар билан юзма-юз, жонли мулоқотда бўлишнинг ўзига хослиги ҳам шунда. Бундай тарғибот тадбирларига ёшларни жалб этиш алоҳида назарда тутилган. Аксарият ҳолларда бир эмас, бир неча давлатлар доирасида жиноий гуруҳлар томонидан содир этилаётган одам савдоси жиноятининг юртимизда чуқур илдиз отишига йўл қўймаслик, келажагимиз эгаси бўлган фарзандларимизни чегара билмас бу иллат домига тушиб қолишдан асрашимиз шарт. Буни адлия идоралари ва муассасалари ходимлари чуқур англаб, ҳар бир тадбирнинг кутилган натижаларни беришини таъминлаш устида жиддий ўйлаб, масалага ана шу масъуллик ҳисси билан ёндашмоқдалар.

Таассуфки, халқаро уюшган жиноий гуруҳларнинг яширин иқтисодий даромад манбаига айланиб, миллион-миллион болалар, айниқса, ёш хотин-қизлар ҳаётига, соғлиғи, қадр-қимматига зомин бўлаётган бу мудҳиш жиноят кўринишлари Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмаяпти. Унинг ҳар қандай кўриниши ҳеч бир фуқароимизнинг эртанги тақдирига, дахлсиз ҳуқуқлари, тинч ҳаётига жиддий таҳдид солиши, бу иллатнинг тизгинсиз тарқалишига асло йўл қўйиб бўлмайди.

Ҳаётий таҳлиллар шуни кўрсатадики, бу чиркин жиноят билан шуғулланувчи кимсалар айрим ёшларни шоҳона қулайликлар, мўмай пул топишнинг чексиз имкониятлари ҳақида қуруқ ва ёлғон ваъдалар бериб, алдаб, ноқонуний йўллар билан хорижий давлатларга олиб чиқиб кетиш орқали уларни ўз қабиҳ жиноятлари қурбонига айлантирадилар. Ҳатто ўз юртдошлари, қариндошларини ҳам бу қабиҳлик домига илинтиришдан тоймайдиганлар ҳам борлиги ҳар бир инсонни ҳушёр торттирмоғи шарт.

Ёшлар эртанги кунимиз эгалари, бизнинг келгуси бахту иқболимиздир. Муҳтарам Юртбошимиз «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида таъкидлаганидек, **«Бугунги кунда бизнинг қилаётган барча ишларимиз фарзандларимизнинг бахту саодати, уларнинг ёруғ келажаги учун амалга оширилмоқда. Лекин бахту саодат фақат бойлик, молу мулк билан белгиланмайди. Одобли, билимдон ва ақлли, меҳнатсевар, иймон-эътиқодли фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бутун жамиятнинг энг катта бойлигидир».**

Яна шуни айтиш жоизки, мутахассисларимизнинг тарғибот тадбирларида **«Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»**-**ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида»**ги Қонунида белгиланган меъёрларни тушунтиришлари ҳам жиддий назарда тутилган. Жумладан, одам савдоси, яъни одамни олиш-сотиш ёхуд одамни ундан фойдаланиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш ва бошқа шу каби қилмишларнинг ҳуқуқий оқибатлари, бундай ҳолатларнинг жиноий жавобгарликка сабаб бўлиши ҳақида батафсил маълумот бермоқдалар. Бинобарин, ўзлари танимаган жиноятчи кимсаларга хаёлий бойлик илинжида эргашиб, боши берк кўчага кириб қолганлар улар томонидан мажбурий меҳнат ёки бошқа хизматлар, фаҳш билан шуғулланишга, эрксиз ҳолатда, тутқунликда яшашга мажбур этилаяпти. Инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олишдек мудҳиш қабиҳликларга дучор қилинаяпти. Инсонийлик қиёфасини буткул йўқотган, бу мудҳишликларни содир этаётганлар баъзан ўз юртдошларимиз бўлиб чиқаётганлиги ниҳоятда таассуфланарли ҳолдир.

Инсон яралибдики, ҳурлик, озодликка интилади. Ўз ҳаётини яхшилаш, орзу-мақсадларига эришиш, бахту иқболини аввало ўз эрки, ҳуқуқ ва манфаатларининг мустаҳкам ҳимоясида кўради. Озодлик истаги нафақат инсон, балки табиатдаги ҳар бир мавжудотга тааллуқли бўлса, ажаб эмаски, оддий гиёҳнинг нурга қараб талпинишида бунинг ифодасини кўргандек бўламиз. Инсон эса она замин гултожи, унинг гуллаб-яшнаши, ер юзида ўз ҳаётининг давомийлигига масъулдир.

Инсон ўз тарихида кўрган ва бошидан кечирган қуллик тушунчасининг ҳозирда бошқачароқ кўринишлари таҳдиди, хавфини сезиб, англаб турибди, бу жиноятдан жабр кўраяпти. Жаҳон жамоатчилиги асримизнинг одам савдоси аталмиш глобал муаммоси қаршисида инсоният ақл-заковати, тарихий тафаккури, умуммиллий ҳамда миллий қадриятларини қалқон қилиб, бу мудҳиш жиноятга чек қўйиш учун жиддий курашмоқда.

Мустақил мамлакатимиз фуқароларини одам савдоси ва унинг салбий оқибатларидан асраш олий қадрият саналмиш инсон ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

**Равшан МУҲИТДИНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири**

Тадбирлар

# ОНА ТИЛИМ — ЖОНУ ДИЛИМ

**II Республика тиббиёт коллежида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг 20 йиллиги муносабати билан «Она тилим — жону дилим» мавзуида тил байрами бўлиб ўтди.**

Анжуманни коллеж директори М.Адилов кириш сўзи билан очар экан, ўзбек тилининг қадимийлиги, бойлиги ва софлигини, ўз она тилимизни асраб-авайлашимиз, унга ҳурмат билан қараб, эъзозлашимиз зарурлигини таъкидлаб ўтди. Байрам кечасида шунингдек, Ўзбекистон Миллий университети доценти, филология фанлари номзоди О.Маъдаев, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, таниқли шоир М.Мирзо, адабиётшунос олим О.Абдуллаев иштирок этдилар. Тадбирда сўзга чиққан адабиётшунос олимлар ва шоирлар «Тил—маънавият кўзгуси» мавзуида сўз юритиб, тил ҳақидаги қонуннинг ниҳоятда катта аҳамиятга эга эканлиги, тилимиздаги меҳр-оқибат, қадр-қиммат нафақат ўзаро муомала, балки ҳаётимизнинг узвий бир қисми эканлиги, Алишер Навоий ўзбек тилининг асосчиси сифатида ажойиб достонлар, теран асарлар, дилбар ғазаллар яратганлигини, тилимиз қанчалик қудратга эга эканлигини, нафислигини гапириб ўтдилар ва ўз ижод намуналаридан ўқиб бердилар. Шундан сўнг коллеж ўқувчиларининг Тил ҳақидаги шеърий композициялари, русийзабон ўқувчиларнинг ўзбек тилидаги қизиқарли чиқишлари йиғилганларга манзур бўлди.

**Насиба МУҲИБОВА**

# ЎЗБЕК ТИЛИ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР

**Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали драма театрида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг 20 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Республика Таълим маркази, Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси билан ҳамкорликда «Ўзбек тили ва умуминсоний қадриятлар» мавзуида илмий-амалий анжуман ҳамда 6,7-синфлар учун «Она тили», «Адабиёт», 4,6,7-синфлар учун «Ўзбек тили» дарсликлари тақдимоти ўтказилди.**

Мазкур тадбирда тилшунос олимлар, дарслик муаллифларидан профессор олимлар Н.Маҳмудов, Б.Тўхлиев, Д.Сайфуллаева, Қ.Йўлдошев, Р.Толиповалар, филология фанлари номзоди, доцентлар, М.Қодиров, С.Султонсаидова, Р.Қўчқоров, Х.Муҳиддинова, А.Рафиев, Ў.Лафасовлар билан амалиётчи ўқитувчиларнинг учрашуви ташкил қилинди.

— Анжуманда шаҳримиздаги мактабларнинг ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этишди. Бундай тадбирни ўтказишдан мақсад, таълим тилидан қатъи назар барча мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва мактаб ўқувчилари онги ва қалбига миллий истиқлол ғоясини сингдириш, уларда миллий ва умумбашарий қадриятларга, шу жумладан ўзбек тилига меҳр-муҳаббат ва ҳурмат, она-Ватанга садоқат, инсонлараро бағрикенглик каби энг юксак туйғуларни камол топтиришдир, — дейди шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси Методика маркази услубчиси Замира Азимбоева.

Тадбир сўнгида ТШХТББ методика маркази томонидан бош бошқарма тасарруфидаги умумтаълим муассасаларида таълим олаётган ўқувчилар ўртасида «Тил бойлиги — тафаккур рамзи», «Она тилим — жону дилим», «Тил — миллат фахри» мавзуларида иншо ва баёнлар, ўқитувчи ва мураббийлар ўртасида эса «Тил дилларни боғлайди», «Ўзбекистон мустақиллиги ва она тилимиз ривожи» мавзуларида электрон дарс ишланмалари кўрик-танловларида фаол иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритган устозлар ва уларнинг шогирдлари Фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар.

**Нилуфар ХУДОЙБЕРДИЕВА,**
**ЎзДЖТУ талабаси**

